

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc 03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХРАРОВА ФОТИМА БАХРОМОВНА**

**НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ЧЕТ  
ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(француз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy on  
pedagogical sciences (PhD)**

**Ахрарова Фотима Бахромовна**

Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси..... 3

**Ахрарова Фотима Бахромовна**

Методика использования педагогических технологий в обучении иностранным языкам студентов нефилологических высших учебных заведений..... 23

**Akhrarova Fatima Bakhramovna**

Methodology of using pedagogical technologies in teaching foreign languages to students of non-philological higher educational institutions ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc 03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХРАРОВА ФОТИМА БАХРОМОВНА**

**НОФИЛОЛОГИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ЧЕТ  
ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(француз тили)**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped14 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш вебсаҳифасида ([www.tdgu.uz](http://www.tdgu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хошимова Дилдора Ўринбоевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Худайқулов Хол Жумаевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Якубов Жамолиддин Абдувалиевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-08-62; факс: (99871) 246-08-62; (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-08-62).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Г.С.Курбонова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А. Сиддиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда чет тилни педагогик таълим технологиялари асосида тез, осон, самарали ва сифатли ўзлаштиришда интернет тармоқлари, электрон дарсликлар, ўқитишнинг интерфаол усулларидан самарали фойдаланиш масалалари долзарб ҳисобланмоқда. Ривожланган давлатлар илмий жамиятларида чет тил ўқитишнинг инновацион метод ва технологиялари асосида ўқитиш жараёнидаги талабалар автономиясини кучайтириш, тил ўрганишнинг эстетик афзалликлари, ўқув мотивациясини дарс жараёнида ривожлантириш ва комплекс ёндашувга асосланган методикаларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё ҳамжамиятида нофилологик таълим йўналиши мутахассисларига чет тилни методик ёндашув асосида ўқитиш жараёнида педагогик технологияларни қўллашга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мутахассислиги чет тил бўлмаган талабаларга хорижий тилларни ўргатиш бўйича педагогик технологиялар таъсирини оширишда алоҳида инновацион ёндашувлар асосида ўрганилаётган тилга бўлган муносабати, хусусан, ксенофил (бегонани яхши кўриш) ва ксенофоб (кўрқув, нотаниш вазиятдан кўрқиш) ёшларнинг ўзига хос эҳтиёжининг дидактик жараёндаги ўрнини ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, нофилологик олий ўқув юрти талабаларига чет тилни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш заруриятга айланганини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикасида етук, юқори малакали, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими яратилмоқда. «Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш»<sup>1</sup> устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада бўлажак мутахассиснинг касбий компетенциясини оширишда педагогик технологиялар асосида чет тилни ўрганишга асосланган инновацион йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қонунлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль, №28 (6722). – Б.1-2.

иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлани-шининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимиз миқёсида олий таълим тизими доирасида чет тил ўқитиш методикаси муаммолари масаласига доир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Ж.Ж.Жалолов, Т.Қ.Саттаров, Л.Т.Аҳмедова, Г.Х.Бакиева, Ў.Хошимов, Д.Ў.Ҳошимова, Г.Т.Маҳкамова, К.Д.Рискулова<sup>2</sup> ва бошқалар.

Шунингдек, МДХ давлатларининг машҳур олимлари чет тил ўқитиш методикасининг коммуникатив ёндашувлар тадқиқи билан шуғулланган О.Ю.Иванова, О.В.Позднякова, Ю.В.Михайлова, М.А.Хлыбова, И.В.Рахманов<sup>3</sup>, А.К.Крупченко<sup>4</sup> шулар жумласидан.

Тилшунос-методист олимлардан М.Я.Демьяненко<sup>5</sup>, К.А.Лазаренко, С.В.Кислая, И.В.Бганцева<sup>6</sup>, С.М.Граменицкий<sup>7</sup>, И.П.Подласыйлар<sup>8</sup> педагогик технологияларни хорижий тил ургатишда куллаш хақида илмий ишлар олиб борганлар.

<sup>2</sup> Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 2012. - 432 б.; Саттаров Т.М. Ўқитувчилик бўйича амалий машғулотларида бўлажак чет тили муаллимнинг социолингвистик малакаларини шакллантириш (инглиз тили материалида): пед.фан.док...дисс. –Т.: 2000. -373 б.; Аҳмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов): Дисс... пед.наук. – Т.: 2012. – 320 с.; Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении рускому произношению студентов-узбеков (на материале консанантизма): автореф.дисс.... канд.пед.наук. –Т.: 1987.- 21с.; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дисс... док.пед.наук. – Т.: 2007. – 350 с., Хошимов У ва бошқ. Инглиз тили ўқитиш методикаси. Т.: 2003. 210 б.; Маҳкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. –Т., 2010. – 208 с.; Рискулова К.Д. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. Автореф.дисс... пед.фан.док. – Т.: 2017. – 18 б.

<sup>3</sup> Рахманов И.В. Методика обучения немецкому языку в классах. М.: Изд-во АПП РСФСР, 1956. – 4-бўлим.

<sup>4</sup> Иванова О.Ю. Профессионально-ориентированно обучение иностранном язык н неязыковы факультетах язык. Автореф. Дисс.кон.педаг.наук. – 2005.; Позднякова О.В. Методика подготовки учащихся к тестовым испытаниям с учетом эффекта обратного влияния (английский язык, средняя школа). Автореф. десс... кан.пед.наук. Тамбов. 2005. Михайлова Ю.В. Методика формирования компетенции «Готовность к работе в команде» в процессе обучения студентов иностранному языку. Автореф. дисс... канд.пед.наук. Нижний Новгород. 2014. Хлыбова М.А. Иноязычная подготовка аспирантов в контексте непрерывного уровневое высшего образования. Монография. «Прокрость» 2019. – С.26. Рахманов И.В. ва бошқ. Общая методика обучения иностранным языкам в средней школе. Под ред. М.:Просвещение, 1967. – Б.19-31. Крупченко А.К. Становление профессиональной лингводидактики как теоретика-методологическая проблема в профессиональном образовании. Автореф. дисс... док.пед.наук. М.: 2007. – С.11.

<sup>5</sup> Бганцева И.В. Методическая компрессия в системе иноязычной профессионально ориентированной коммуникативной подготовки студентов вузов физической культуры. Автореф. док.пед.наук. 2018. – Б.13.

<sup>6</sup>Демьяненко М.Я., Лазаренко К.А., Кислая С.В. Основы общей методики обучения иностранным языкам. – Киев. Вища школа, 1976. – 34-б.

<sup>7</sup> Граменицкий С.М. О методах преподавания языком. // Туркестанские ведомости, 1908. №81. – С. 66.

<sup>8</sup> Подласый И.П. Педагогика. – М.: Юрайт-Издат 2009. – Б. 284-540.

Англиялик файласуф Джон Локк ўз тадқиқотини педагогика назариясига қаратган бўлса, И.Г.Песталоцци<sup>9</sup> таълимда педагогик технология назарияси ва ва уни куллаш амалиётини илгари сурган. Олимлардан Д.Дидро, К.Гельвеций, П.Гольбах, Ж.Ж.Руссо нофилологик таълим тизими доирасида педагогика назариясига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Диссертацияни ёзиш жараёнида юқоридаги илмий ишланмалар ва адабиётлар таҳлили бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшунос-методист олимларининг тадқиқот ишлари эътиборга олинган ҳолда, чет тил ўқитиш методикасининг коммуникатив ёндашувини ўрганган бўлса-да, мазкур изланишларимизда нофилологик олий ўқув юртлири талабаларига француз тилини ўргатишда коммуникатив компетентлик даражасини ҳамда мутахассислик доирасида оғзаки нутққа ўргатишнинг дидактик жараёнда педагогик технологияларни куллашни ривожлантиришга доир махсус тадқиқот амалга оширилмаганлигини кўрсатди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» илмий лойихасининг «Чет тилларни ўқитиш методикасининг янги йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган (2010-2017 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** нофилологик йўналиш талабаларига француз тилини ўқитишда уларнинг касбий компетенциясини такомиллаштиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** нофилологик ОТМ талабаларининг чет тилни ўзлаштириш кўрсаткичларини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

педагогик технологияларнинг турларини, моҳиятини, шаклланиш ҳамда ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш;

«педагогик технологиялар терминлари изоҳли луғати»ни тайёрлаш;

талабаларнинг ПТларни ўзлаштириш кўрсаткичларини ривожлантириш динамикасини ташхис қилиш методикасини такомиллаштириш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларни статистик таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нофилологик таълим йўналиши талабаларининг чет тил нутқ компетенциясини ривожлантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** нофилологик олий ўқув юрти талабаларига чет тилни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда касбий-мутахассислик фаолиятини такомиллаштириш мазмуни, шакли, усули ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кузатиш, ўрганиш, ретроспектив таҳлил, сўровнома, тест, суҳбат, иждодий фаолият натижалари

---

<sup>9</sup> Песталоцци И.Г. Избранные педагогические сочинение. В 2-х томах. - М.: Педагогика, 1981. Том 1. - С. 333.

таҳлили, асословчи, тажриба-синов, шакллантирувчи ва яқунловчи эксперимент ҳамда математик-статистик таҳлил каби эмпирик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ўқув фаолияти ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш мотивларини рағбатлантириш чет тилини билишининг IV даражали боқичи: I–олий (француз тилини ўзлаштириши аъло), II – юқори (француз тилини ўзлаштириш яхши), III –ўрта (француз тилини ўзлаштириш қониқарли), IV –қуйи (француз тилини ўзлаштириш қониқарсиз) даражаларга ажратиш асосида ривожлантирилган;

педагогик технологияларни қўлланилишининг IV босқичли ҳолати V-босқичи (ТТ + Птех.=ТТА, таълим ва тарбия анъанавийлик) VI-босқичи (ТТ + Птех.=ТТТ (таълим технологиялари ва тест XX охири) ва VII-босқичини (ТТ+ Птех.=ЗТК ва ЗЎМ, замонавий таълим коммуникацияси ва замонавий ўқитиш методлари. Бугунги давр) киритиш асосида такомиллаштирилган;

нофилологик таълим йўналиши талабаларига француз тилини ўқитишда анъанавий (Français à des fins spécifiques) ва кластерли ёндашувларнинг ўхшаш (илмий-назарий маълумотлар), қисман ўхшаш (Français général) ва бутунлай фарқ қилиш (касбга йўналтирилганлик ва мутахассисликка мослиги) хусусиятлари аниқланган;

кимё, геокимё, геофизика ва геология таълим йўналиши талабаларининг касбий компетенциясини тизимли ривожлантиришга қаратилган дидактик таъминотнинг босқичма-босқич: хорижий тилдаги функционал саводхонлик (1 курс), хорижий тилдаги касбий саводхонлик (2 курс) ва хорижий тилдаги касбий компетенция (3 ва 4 курс)ларни ривожлантиришга қаратилган модулли тизимини яратиш технологияси таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг педагогик маданияти ривожланишига ёрдам берадиган ва амалиётда олий таълим муассасаларида самарали дарс олиб боришда, хорижий тилларни ўқитишда қўлланиладиган «Педагогик технологиялар терминлари изоҳли луғати» ишлаб чиқилган;

бўлажак мутахассисларда коммуникатив компетенцияни ривожлантириш орқали уларни касбий тайёрлаш жараёнини ташҳис қилиш тизими такомиллаштирилган;

талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш мотивларини стимуллашга йўналтирилган аутентик материаллар асосида «Хорижий тил» (француз тили) аудио қўлланмаси яратилган;

нофилологик таълим йўналишлари талабаларига чет тил фанини ўқитиш жараёнида педагогик маданиятни ривожлантириш бўйича инновацион усулларнинг методик таъминоти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги нофилологик олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёни учун ишлаб чиқилган лексик йўналтирилган дидактик таъминотни амалда татбиқ қилиш, республика ва хорижий журналларда, республика ва хорижий илмий конференциялар тўпламларида мақолалар нашр қилинганлиги, хулоса, таклиф



ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нофилологик ОТМларга чет тилни ўқитиш мазмунини, жумладан рецептив ва репродуктив лексикасини бойитиш, аутентик материаллар асосида ишлаб чиқилган интерфаол усуллар талабаларнинг ўқув фаолияти ҳамда ўз-ўзини ривожлантириш мотивларини рағбатлантиришининг дидактик таъминоти ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти рецептив ва репродуктив лексикаси соҳасида коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методика, нофилологик ОТМда лексикага йўналтирилган дидактик таъминотдан фойдаланган ҳолда ўтказилган экспериментал тажриба-синов, турли даражали ёндашув негизига асосланган ўқув қўлланма ва изоҳли луғат чет тил машғулотларида ўқитиш самарадорлигини оширишга имкон бериши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

нофилологик таълим йўналишлари мутахассисларига хорижий тилни тез, осон, самарали ва сифатли ўзлаштириш жараёнида дарсларда интернет тармоқлари, электрон дарслиklar, ўқитишнинг интерфаол усул ва услубларини қўллашга доир методик тавсиялар чет тилларни самарали ўргатишга асосланган Project 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC) мавзусидаги илмий-амалий грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2958-сон маълумотномаси). Натижада, нофилологик олий ўқув юртларида бўлажак мутахассисларга чет тилларни ўқитишда ҳамкорликка асосланган халқаро тажрибаларнинг педагогик технологиялари замонавий миллий моделни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган ва ўқув жараёни самарадорлигини оширишга имкон яратилган;

педагогик технологияларни қўлланилишинининг IV босқичли ҳолатини V-босқичи, VI-босқичи ва VII-босқичини киритиш ҳақидаги таклифидан Project 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC) мавзусидаги илмий-амалий грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 августдаги 89-03-2958-сон маълумотномаси). Натижада, чет тилни ўрганишда педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини оширишга имкон яратилган;

талабаларнинг чет тилларда коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга қаратилган интерфаол усулларнинг қўлланилишига доир методик таклифлардан «O`zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Тилга эътибор» телекўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда

фойдаланилган («Ўзбекистон» Миллий телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 28 августдаги 02-02-769-сон маълумотномаси). Натижада, телевосита орқали хорижий тилни ўрганишда коммуникатив компетенция даражасини такомиллаштиришга қаратилган интерфаол усулларни қўллаш бўйича билимларини бойитишга эришилган;

талаба-ёшларнинг чет тилда коммуникатив компетенциясини ривожлантириш мақсадида педагогик технологиялар терминлари ва методларининг аҳамиятини тушунтиришга оид услубий тавсиялардан «O`zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Ассалом, Ўзбекистон!» телекўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган («Ўзбекистон» Миллий телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 28 августдаги 02-02-769-сон маълумотномаси). Натижада, телевосита орқали педагогик технологияларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги тушунчаларини шакллантиришга ва билимларини бойитишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро конференция, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, 1 та аудио-услубий қўлланма, 1 та «Педагогик технологиялар терминлари изоҳли луғати», жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шулардан 3 таси республика, 2 таси хорижий илмий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 127 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ақс этган, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот босқичлари ва методлари аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва тадқиқот ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига чет тилларни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш назариясининг шаклланиш тарихи баён этилган.

«Педагогик технологиялар» тушунчаси, дастлаб, ХХ асрнинг ўрталарида АҚШда қўллана бошланган. Бунда «педагогик технология» ва «таълим

технологияси» терминлари фақат техника воситалари ёрдамида ўқитишга нисбатан қўлланилган эди<sup>10</sup>. Вақт ўтиши билан уларни қўллаш даражаси кенгайиб бориши натижасида мазмуни ҳам тегишлича даражада ўзгариб борди. Ҳозирга келиб, «педагогик технология» тушунчасининг замонавий, илмий асосланган ягона таърифини белгилаш мақсадида кўплаб олимлар томонидан турли фикр ва мулоҳазалар асослаб берилди.

Россиялик олим В.П.Беспалько «ПТ – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир»<sup>11</sup>, деган эди.

М.В.Клариннинг фикрича, «ПТ – ўқув жараёнига педагогик ёндашган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалаш»<sup>12</sup>.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ПТ таълим олувчининг ўрганилаётган предметни осон ўзлаштира олиши мумкинлигини кафолатлайди.

В.П.Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловлар бу хусусида қуйидагича фикр билдирганлар: «ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва мазкур фаолиятнинг маҳсули сифатида улардан олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир»<sup>13</sup>. Бироқ, муайян даражада педагогнинг ўқувчига таъсир кўрсатиши, шахс сифатида шаклланиши мантиқан тўғри изоҳ эмас. Чунки педагог ва талаба ўртасидаги боғланиш даражаси белгиланган вақт оралиғида, белгиланган аудиторияда педагогнинг режалаштирган дарс ишлан-маси асосида ёритиб берилган фан мавзусини ўргатиш билан чегараланади.

Педагогик технологиялар бўйича таърифларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги ишчи таърифни яратдик: ПТ – шахс индивидуал хусусиятларининг мажмуаси бўлиб, чуқур билим ва ақл, киришимлилиқ, фаоллик, зийраклик, ташаббускорлик, ўзини тута билиш, кузатувчанлик, ҳамжиҳатлик, ишчанлик ва талабчанлик ҳамда рағбатлантирувчи ёндашув асосидаги таълим тамойилидир.

ПТнинг илмий назарий асосларини ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида тадқиқ қилган олим К.Зарипов касбий педагогик маҳоратнинг мазмунини кенгайтириб, асослаб берган. У педагогиканинг мазмун-моҳиятини «илғор педагог», «ижодкор ўқитувчи», «новатор педагог» тушунчаларида асослаб берган.

Н.Муслимов<sup>14</sup> инновацион таълим технологияларини XX асрнинг 70-йилларига қадар таҳлил қилган ва бу – ҳозирги даврнинг ривожланган таълим технологиялари талабларига мос бўла олмайди. Тадқиқотимизда Н.Муслимовнинг «Инновацион таълим технологиялари» асарига асосланган ҳолда таълим технологиялари ва педагогик технологияларни қуйидагича такомиллаштириб бердик.

<sup>10</sup> Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.–Б.13.

<sup>11</sup> Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. –С.192.

<sup>12</sup> Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 1989. –С.75.

<sup>13</sup> Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. – Т.: 1999. – Б.7-8.

<sup>14</sup> Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Т.: Сано стандарт нашриёти, 2015. – Б.150.



## 1-жадвал

	Босқичлар	Йиллар	Таълим технологияси –ТТ
1.	I босқич	XX асрнинг 30-йиллари	<b>ТТ = Птех.</b> Ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ҳамда воситалар йиғиндиси (педагогик техника – Птех)
2.	II босқич	XX асрнинг 50 йиллари	<b>ТТ=Птех. + ТВ.</b> Таълим жараёнида техник воситалар (ТВ)ни кўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сиғимини кенгайтириш, уларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, талаба фаолиятини индивидуаллаштириш.
3.	III босқич	XX асрнинг 60-йиллари	<b>ТТ = Птех. + ТВ + дастурий таълим (ДТ).</b> Дастурий таълим – таълим мақсадларининг аниқланиши, таълим жараёнини умумий лойиҳалаш, талабалар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштирилиши эҳтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълим мақсадининг натижаланганлигини ўрганиш, фаолият натижаларини таҳлил этиш
4.	IV босқич	XX асрнинг 70-йиллари	<b>ТТ = Птех. +ТИ (таълим информацияси).</b> Таълим технологиясининг илмий асосини информатика, телекоммуникация назарияси, педагогик квалиметрия, тизимли таҳлил, билиш фаолиятини бошқариш назарияси, ўқув жараёнини қулайлаштириш, педагогик меҳнатни илмий ташкиллаштириш кабилар ташкил қилади. Кўриш ва эшитиш воситаларининг янги турлари: видеоманитофон, айланмали кадрпроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалар ишлаб чиқилди.
5.	V босқич	XX асрнинг 90-йиллари	<b>ТТ = Птех. +ТТ+А (таълим ва тарбия анъанавийлик).</b> Таълим ва тарбия анъанавийликни яратишга айтилади. Таълим ва тарбия технологияси анъанавий шаклларини умумлаштириш, таълим бериш жараёни ҳамда билимларни технологик ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш, ҳамда уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш ва аниқлаш тизими».
6.	VI босқич	XX асрнинг охири	<b>ТТ = Птех. +ТТ+Т ( таълим технологиялари ва тест)</b> Таълим технологиялар тест усулининг асосий камчиликларига: - асосан тестда берилган жавоблар доирасида чекланиб қолиши, қўйилган саволларни тор доирада қамраб олиши; -таваккал қилиб жавоб топиш ҳамда ўқувчи-талабанинг ўз фикрини билдириш имкони йўқлиги.
7.	VII босқич	Бугунги давр	<b>ТТ = Птех. +ЗТК ва ЗЎМ (замонавий таълим коммуникацияси ва замонавий ўқитиш методлари).</b> Замонавий таълим коммуникацияси талаба ва педагог оралиғидаги боғлиқлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ва замонавий ўқитиш методлари асосида дарсларни олиб бориш талабада фанга бўлган қизиқишни кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса бугунги кунда ривожланган барча мамлакатларнинг асосий мақсадларидан бири бўлмоқда.
			<b>ТТ = Птех. +ЗТК ва ЗЎМ (бу муаллиф қоидаси).</b>

Умуман олганда, методик адабиётларда «ўқитиш методлари», «таълим методлари» деб юритиладиган тушунчаларни «ўргатиш методлари» тушунчаси билан ҳам қўллаш ўринлидир. Чунки ҳар қандай соҳа мутахассиси бўлиш учун, аввало, *уқииш* (ўрганиш) орқали шахс ўз касбининг етук мутахассиси бўлади.

Одатда, педагогнинг раҳбар сифатидаги мулоқот усуллари қуйидаги уч турга ажратилади:

1. Авторитар услуб;
2. Демократик услуб;
3. Либерал услуб<sup>15</sup>.

Бугунги кунда булар педагогнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Таҳлиллар давомида биз «демократик услуб»ни маъқул деб кўрдик, чунки педагог ўз фанининг мутахассиси сифатида талабага мавзунини етказиб бериш жараёнида талаба уни қанчалик ўзлаштирганлигини дўстона тарзда сўрашни маъқуллайди. Демократик тарзда дарс олиб боришда икки томоннинг бири-бирига бўлган илиқ муносабати орқали самарали натижаларга эришиш мумкин. Демократик усул ҳам замонавий, ҳам одилонинг усули деб таҳлил қилинди.

Тадқиқот давомида педагогик технологияларга оид терминларнинг этимологиясини таҳлил қилдик. Масалан, «педагог» термини қадимий сўз бўлиб, «бола етакловчи» деган маънони билдириб, грек тилида «**пайдагос**»<sup>16</sup>, «**пайдагагос**»<sup>17</sup>, «**дайдагогос**»<sup>18</sup> терминларидан келиб чиққан. Тарихий манбаларда Юнонистон давлатида ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни қулларни «педагог» (бола етакловчи) деб аташган.

Шу жумладан, **такт** (нем: takt + лот: tactus – сал тегиниш, сезиш, ушлаб кўриб, ҳис қилиш, дахлдорлик) – ахлоқий ҳулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат бўлиб, ўзида барча объектив ҳаракатларнинг оқибати ва уларнинг шахс томонидан субъектив қабул қилишни аввалдан кўра олиш, белгиланган мақсадга осонроқ эришиш йўллариини излашнинг намоён бўлишини англатади.

Шунингдек, мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида янги ПТ жорий этиш таълим самарадорлигини ошириш орқали касбий тайёргарлиги юқори даражада бўлган, рақобатбардошлик талабларига жавоб берадиган ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш учун замин яратади. Бироқ, муаммога файласуфлар, социологлар, лингвистлар, педагоглар ва бошқа мутахассисларнинг қизиқишларига қарамай, мазкур масала ҳозирги кунда назарий ва амалий жиҳатдан ҳали етарлича ўрганилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига француз тилини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг амалий шакли ва усуллари**» деб номланган.

<sup>15</sup> Турғунбоев К., Толипов М., Ниёзова Х., Зияева А. Педагогик маҳорат асослари. (услубий қўлланма) - Т.: 2006. – Б.6.

<sup>16</sup> Бекмирзаев Н. Нотиклик санъати асослари. – Т.: Адолат (янги нашр), 2008. – Б.19.


<sup>17</sup> Ражабова С.Р. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 1981. – Б.3.

<sup>18</sup> Мунавваров А.Қ. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б.6.

Ушбу бобда чет тилни ўрганиш мобайнида талаба тили ўрганилаётган мамлакатнинг маданияти, урф-одати, анъаналарини ўрганиш имкониятига эга эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Француз тилини ўқитишда педагогнинг коммуникатив компетентлиги дарс жараёнида ўқувчи (талаба) ва бошқарувчининг бир-бири билан ўзаро муносабатларини боғлаб турувчи тенглик ҳамда унинг талабалар жамоаси, оналар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан уюштириладиган мулоқот жараёнида намоён бўлади. Бунда, айниқса, педагогнинг талабалар жамоаси билан ўзаро мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Педагог талаба билан мулоқотга киришар экан, унинг самарали бўлишига интилади. Бунда коммуникатив компетентликнинг роли жуда муҳим.

Изланишларимиз давомида маълум булдики, Ўзбекистонда француз тилини билиш кўрсаткичи 2016 йилда 996 нафарга етган. Биз бу кўрсаткич 2020 йили 1287<sup>19</sup> нафардан ошганлигининг гувоҳи бўлдик. Француз тилини биладиган шахслар орасидаги 4 йиллик статистик таҳлилни диаграмма кўринишида ифода этдик.



**1-расм. Француз тилини биладиган кишилар орасида 4 йиллик статистика**

Коммуникация тушунчаси субъектлар орасидаги ахборот алмашинуви амалга ошадиган жараённи ифодалайди.

Коммуникатив компетенция эса мураккаб коммуникатив кўникмаларга эга бўлиш, янги ижтимоий тузилмаларда етарли малакани шакллантириш, мулоқотда маданий меъёр ва чекловларни билишни англаувчи тушунчадир.

Коммуникатив компетенцияни ривожлантириш бўйича кўпгина олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. Масалан, М.В.Мазо (2000й.),

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги статистикаси 2019 й. 20 июль.

Н.Н.Прудникова (2007й.), О.В.Шевченко (2007й.), И.Б.Голдованская (2008й.), В.И.Пентюхин (2010й.), Е.С.Ткачук (2004й.), Л.Б.Чепцова (1997й.), Л.Б.Якушкина (1997й.), М.Ф.Эмади (2013й.), Е.М.Бастриков (2005й.), Ю.А.Плужников (2008й.), С.Л.Клементьева (1990й.), Л.П.Клобукова (1987й.), М.В.Корепанова (2005й.), И.В.Кочергин (2000й.), Т.Б.Лесохина (2011й.), О.А.Литвиненко (2015й.), Е.Д.Нелупова (2000 й), В.П.Фурманова (1994й.), Т.Н.Астафурова (2019й.)<sup>20</sup>ларни қайд этиш мумкин.

И.В.Кочергин томонидан тилни профессионал фаолият объекти сифатида ўқитишни шартли академик ёки филологик йўналиш деб номлаш таклиф этилган ва чет тилни бошқа (нолингвистик) вазифаларни ҳал қилиш воситаси сифатида ўқитиш, яъни шартли равишда амалий деб номлаш фикри илгари сурилган. Чет тилни непрофессионал коммуникация воситаси сифатида ўқитишни амалий ёки маиший деб номлаш таклифлари ҳам учрайди. Бунда ҳар бир қўйилган мақсад кейинги турган мақсадларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Фикримизча, педагогик компетенция руҳий-психологик таъсир кучига эга. Уни ташкил этишда мулоқот жараёнининг ижобий бўлишини таъминлаш педагогнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Коммуникатив компетенция ва тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда чет тил дарсларида ПТ қўллаш яхши самара беради. ПТдан фойдаланиш методикасини француз тили дарси мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу технологиялар француз тилини энди ўрганаётган талаба учун самарали саналади. Мисол тариқасида **SIMON DIT (Симон айтади)** ролли ўйинини кўриб чиқамиз. Ўйин бошлашдан аввал ўқувчиларни ўйин қоидалари билан таништирамиз: ўқувчилар ўқитувчи (ёки ўйин бошловчиси)нинг ёнига турадилар. Ўқувчиларнинг вазифаси ўқитувчи бераётган кўрсатмани (ёки буйруқни) бажаришдан иборат. Ўқитувчи Simon dit... иборасини айтади, кейин қуйидаги кўрсатмани беради: *Levez les mains!*, *Asseyez-vous!* *Sautez!* *Courez!* ва ҳоказо. Агар ўқитувчи Simon dit .... иборасини айтмаса, кўрсатма бажарилмайди. Бу технология жуда тез бажарилиши зарур. Зеро, у талабадан зийракликни талаб қилади.

ПТларни француз тили фанида қўллаш механизми асосида таълим тизимида амалий ёндашувни ўрганишда нутқий фаолият турлари – тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув натижасида француз тилида ўзаро ахборот алмашилиш (мулоқотга киришиш) кўникмаси вужудга келади. Хориж ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларида амалиётга муваффақиятли татбиқ этилаётган таълим-тарбия беришнинг **интерфаол методлари** орқали дарс ўтиш ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда ролли ўйинлар ҳам чет тил ўқитиш методикасининг бир бўғини сифатида хизмат қилмоқди.

Биз геология, геофизика ва геохимё йўналиши талабаларига француз тилини ўргатиш жараёнида мутахассислик мавзуларини тушунтиришда қуйидаги ПТлардан фойдаландик.

---


<sup>20</sup> Астафурова Т.Н. Методика формирования иноязычной компетенции академического письма магистрантов неязыковых вузов (английский язык): монография // Т.Н.Астафурова, Н.С.Колябина. ВолгГТУ. - Волгоград, 2019. – С. 176.



**La composition de la croûte** (Ер қобиғининг таркиби) мавзуси доскага ёзилади. Талабалар ёрдамида ер, ернинг ҳолати, ер қобиғининг таркиби оғзаки равишда сўраб ўтилади, ҳамда доскага ернинг тузилиши схемаси чизилади.

Бу мавзуга «**5 дақиқа**» ва «**Дўстинг билан ...**» педагогик технологиялари қўлланилди.

**1. «5 дақиқа»** технологияси - дарс бошлангандан кейин 5 дақиқа ичида ўқитувчи талабаларга янги мавзуга доир фикрни ўртага ташлайди, яъни талабаларни дарсга жалб қилиш мақсадида доскага Ер шарининг схемасини чизади. Бу умумий ҳолда қуйидагича кўриниш олиши мумкин (2-расм):



**2-расм. Ернинг тузилиши схемаси**

Талабалар ўз фикрларини қоғозга француз тилида ёзиб бордилар. Бу фикрлар фақат янги мавзу ўтилганидан сўнггина муҳокама қилинади, яъни ёзиб қўйилган фикрлар талабалар ўртасида ўқитувчи ёрдамида алмаштириб тарқатилади. Берилган нотаниш фикрлар талабалар ўртасида муҳокама қилинади. Ўқитувчи кейинги технологияни мавзуга боғлаб давом эттиради.

«**Дўстинг билан ...**» технологияси. Талабалар 4-та гуруҳга бўлиниб, уларга ер қатламлари номи берилади.

1. L'ambiance,
2. La lithosphère
3. L'holocauste.
4. Noyau.

4 та гуруҳнинг номига мослаб ҳар бир гуруҳ 15 дақиқа давомида ернинг номланиш структураси хақида саволлар тузиб, кейинги гуруҳга беради. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб беради.

1. Quel est le noyau?
2. Quelle est la deuxième couche de cholososphérique?
3. Quelle partie de la lithosphère?
4. Combien y a-t-il de couches?
5. Quelle est la forme de la terre ... каби саволлар билан талабалар янги мавзунини мустахкамлаб оладилар.

Биз томонимиздан яратилган нутқ компетенциясини ривожлантиришга ва лингвомаданиятшунослик соҳасида билимларни бойитишга йўналтирилган «Cultur» педагогик технологияси геология, геохимё ва геофизика йўналишидаги талабаларга француз тилини ўзлаштиришда ўз самарасини берди.

Умуман олганда, дарсни педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориш талабаларни тил тўсиқларини осон енгиб ўтишига ва чет тилларни ўрганишда уларнинг коммуникатив мулоқот жараёнига киришини фаоллаштиришига ёрдам беради. Зеро бугунги кунда информацион, электрон ва мультимедиа технологияларни яратиш мутахассислик фанларига асосланган тартибда, мустақил тарзда чет тилни ўрганишда компьютерлаштирилган ўқитиш технологиялари қудратига эга.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш**» деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тадқиқот ишида ўрганилаётган муаммонинг амалиётдаги мавжуд ҳолатини ўрганиш, олинган далилларни таҳлил этиш, муайян хулосаларга келиш ва шу асосда ягона муаммонинг умумий ҳолатига баҳо беришга йўналтирилган хулосаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот давомида талабаларда коммуникатив маданиятни ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида шундай ёндашув асосида ҳаракатни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Тажриба-синов майдонларида амалга оширилувчи дастлабки амалий фаолият истиқболдаги ҳаракатларнинг муҳим қисми сифатида намоён бўлишини назарда тутган ҳолда уни самарали ташкил этишга ҳаракат қилинди.

## 2-жадвал

### Талабаларда технологияларга бўлган маданият ривожланганлиги даражасини аниқлаш кўрсаткичи ва мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Мезонлар	Даражалар
1	Технологияларга бўлган билим ва кўникмаларнинг ривожланганлиги	Ахборот	олий юқори ўрта қуйи
2	ПТларнинг турлари ва уларнинг узаро таъсири ҳақида билимлар шаклланганлиги ва уларнинг амалиётда қўлланилиши	Интерактив	олий юқори ўрта қуйи
3	Нутқда ПТлардан фойдаланишда тил воситаларини тўғри ишлатиш кўникмаларининг шаклланганлиги	Лингвистик	олий юқори ўрта қуйи

